

Ҳозир болаларимиз миллий кийимларимизни киймай қўйишди.

16:02 / 27.04.2016 3383

САВОЛ: Ассалому алайкум, шайх ҳазратлари.

Ҳозир болаларимиз миллий кийимларимизни киймай қўйишди. Магазинларда ҳам ҳаммаси ажнабий кийимлар. Эшитишимча, бу кийимни кийган ўша миллатнинг қавмида қабрда турар экан. Шу тўғрими?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Агар ўша кийим мазкур миллатнинг диний рамзи бўлса, кийиш мумкин эмас. Агар диний рамз бўлмаса, жоиз. Албатта, ҳар миллат ўз кийимини кийгани афзал. Валлоҳу аълам.